

12. Ademola, O.J. (2014). *Working capital management and profitability of selected quoted food and beverages manufacturing firms in Nigeria*. European Journal of Accounting Auditing and Finance Research, 2(3). 10-21;.
13. Mickiewicz, T., Nyakudya, F.W., Theodorakopoulos, N. et al. *Resource endowment and opportunity cost effects along the stages of entrepreneurship*. Small Bus Econ 48, 953–976 (2017);.
14. Franz Kellermanns, Jorge Walter, T. Russell Crook, Benedict Kemmerer & Vadake Narayanan (2016) *The Resource-Based View in Entrepreneurship: A Content-Analytical Comparison of Researchers' and Entrepreneurs' Views*, Journal of Small Business Management, 54:1, 26-48;.
15. Dobes, V., Fresner, J., Krenn, C., Rinaldi, C., Cortesi, S., et al. *Analysis and exploitation of resource efficiency potentials in industrial small and medium-sized enterprises – Experiences with the EDIT Value Tool in Central Europe*. Journal of Cleaner Production. Volume 159, 15 August 2017, Pages 290-300;.
16. Rawhouser, H., Villanueva, J., Newbert, S.L. *Strategies and Tools for Entrepreneurial Resource Access: A Cross-disciplinary Review and Typology*. International Journal of Management Reviews. Apr 21, 2016;.
17. Boso, N., Danso, C., Leonidou, A., Uddin, M. *Does financial resource slack drive sustainability expenditure in developing economy small and medium-sized enterprises?* Journal of Business Research. Volume 80, November 2017, Pages 247- 256;.
18. Гилемханова Л.Ф., Запольских Ю.А. Предпринимательский потенциал. // Экономические науки. - №46-2. 19.05.2016 - <https://novainfo.ru/article/6043>;.
19. Гусейнова Т.К. Инновационный потенциал – важнейшая составляющая экономического потенциала. // В сборнике «Актуальные проблемы науки, экономики и образования XXI века». – 2012. – С.85-92. – URL: <http://bgscience.ru/lib/10859>;
20. Требова С.В., Плещаков П.С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение. // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), № 9 (17), 2012. –www.sisp.nkras.ru. – С.5;.
21. Артемова О.В., Логачева Н.М., Нестеренко И.Ю. Ресурсы для развития малого и среднего предпринимательства региона. // Социум и власть, 2018. № 2 (70). С.48-55;.
22. Багинова В.М., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. // Известия Иркутской государственной экономической академии, 2015. Т. 25, № 6. – С. 999-1003;.
23. Саал Т., Савенкова Т. Экономический и инновационный потенциал малого бизнеса. // Финансовая жизнь. – М.: Академия менеджмента и бизнес-администрирования, 2014. – С. 22-31;.
24. Дзобелова В.Б., Олисаева А.В. Экономический потенциал малого предпринимательства Северо-Кавказского федерального округа // Фундаментальные исследования, 2015. № 2-26. – С. 5864-5868;.
25. Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. Механизм формирования и развития потенциала малого предпринимательства в сфере создания новых рабочих мест на региональном рынке труда. // Российское предпринимательство, 2017. Том 18. № 17. – С. 2587-2598;.



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Акбаров Абдулхамид Акмал ўғли -
Тошкент молия институту асистенти

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a77

Аннотация. Республика иқтисодиётининг муҳим драйвери сифатида қаралаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланиши унинг иқтисодий хавфсизлигига чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан макур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари кенг миқёсда таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу муаммо бўйича хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг иммий тадқиқотлари, фикр ва муносабатлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, улар орасидаги турли хилмалиликлар, шунингдек, муштарак фикрлар ўзаро таққосланган. Натижада муваллифлар томонидан хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, кичик бизнес, тизимли таҳлил, тадбиркорлик субъектлари, хавфсизликка таҳдид, товламачилик.

РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ

Акбаров Абдулхамид Акмаль угли -
Ассистент Ташкентского финансового института

Аннотация. Устойчивое развитие малого бизнеса и частного предпринимательства, рассматриваемое как важный драйвер экономики нашей Республики, тесно связано с ее экономической безопасностью. С этой точки зрения в данной статье проведен широкомасштабный анализ вопросов обеспечения экономической безопасности деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства. Подробно изучены научные исследования, мнения и отношения зарубежных и отечественных ученых по данной проблеме, сопоставлены различные различия между ними, а также общие мнения. В результате авторами были выработаны выводы и предложения.

Ключевые слова: экономическая безопасность, малый бизнес, систематический анализ, субъекты предпринимательства, угроза безопасности, вымогательство.

**THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN
ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF THE COUNTRY**

***Akbarov Abdulkhamid Akmal ugli -
Assistant of Tashkent Financial Institute***

Abstract. The sustainable development of small business and private entrepreneurship, which is considered an important driver of the republic's economy, is closely related to its economic security. In this regard, the artful article provides a comprehensive analysis of the issues of economic security of small business and private entrepreneurship. Scientific studies, opinions and positions of foreign and domestic scientists on this issue are studied in detail, a comparison is made of the differences between them and general views. As a result, the authors have developed conclusions and recommendations.

Keywords: economic security, small business, systematic analysis, business entities, security threat, extortion.

Кириш. Бизга маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг таркибий элементи ҳисобланади. Малакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳолатига мос равишда иқтисодий бозор тузилиши ривожланади. Шундан кейинги на ўрта ва йирик бизнес яхлит иқтисодий тузилманинг барча элементлари билан самарали ўзаро таъсир қиласидан оптимал нисбатда шаклланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори бозор тузилмасида миқдорий жиҳатдан устун бўлиши керак, чунки у бозор муҳитининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ички бозорининг ишончлилиги, самарадорлиги ва мослашувчалиги ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сирасига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, биринчи навбатда, ички бозорга боғлиқ. Шунинг учун ривожланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сиз жамият ва иқтисодиёт нафақат ривожланиш, балки мавжуд бўлиш имкониятига ҳам эга эмас.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган маълум мезонлар бўйича бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолият туридир. Ўзбекистон мустақиликка эришган илк йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги, даромадларини ошириш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда Президентнинг 50 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди [16].

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий

ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланади. Бозор иқтисодиётининг жаҳон миқёсида жадал суръатларда ривожланиб бориши табиий равишда тадбиркорлик фаолиятида унинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи муқарар пар муаммоларни юзага келтиради. Муайян иқтисодий хавф-хатарлар, агар вақтида уларнинг олдини олиш чораси кўрилмаса, ҳар қандай гуркираётган бизнесни ҳам жуда қисқа мuddатда инқизорзга юз тутишига сабаб бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан замонавий коммуникацион технологиялар асрида исталган соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи зарур ҳисоблангани каби айни вақтда бизнес эгаларига ўз бизнесини янада ривожлантириш учун унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиди.

Албаттa, мамлакат ЯИМнинг асосий қисмини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва шу асосда соҳани ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун мамлакат миқёсида соғлом рақобат, кучли ишбилармонлик инфратузилмасини яратиши муҳим саналади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил 27 июлда имзоланган "Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли фармони [1] давлат томонидан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Шу нуқтаи назардан жаҳон молиявий инқизорзи даврида ривожланган давлатлар айни соҳада йўл қўйган хатоларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг муҳим драйверлари иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Соҳа олимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигига

турлича таъриф бериб ўтганлар. Хусусан, олимлар О.Арефиева ва Т.Кузенко тадбиркорлик соҳасида иқтисодий хавфсизлик тушунчасини корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳамда ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олиш, узоқ муддат бозорда яшаб қолиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга имкон берадиган бозор потенциалидан келиб чиқсан ҳолда белгилайдилар [3, 24-27-б].

Россия Федерацияси ва Европа Иттилоғида иқтисодий хавфсизлик соҳасида танилган йирик олим, иқтисодий хавфсизлик ва бизнес бошқаруви бўйича профессор Р.Смелик эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги ҳақида: "...тадбиркорликда муаммо ва таҳдидларнинг олдини олиш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш учун ресурслардан самарали фойдаланиш ҳолатидир", – дейди. У ўз фикрини давом эттирад экан: "Тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликнинг асосий мақсади унинг барқарор ва максимал даражада самарали ишлашини таъминлаш ва келажақда бизнеснинг ривожланиши ва ўсиши учун юқори салоҳиятни таъминлашдир", – деб фикрини якунлайди [4, 33-б].

Л.Юрович компаниянинг иқтисодий хавфсизлигини корхонани ташқи ва ички муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, турли таҳдидларни тезда бартараф этиш ёки корхона учун салбий оқибатларсиз ташқи шароитларга мослашиш қобилияти, деб хисоблайди [5].

Н.Капустин ва М.Бендиковнинг илмий ишларига мурожаат қилсак, Н.Капустин тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги молиявий мустақилликни, барқарорликни, бекарорлаштирувчи омиллар таъсирида тараққиётга эришиши таъминлайдиган омиллар йиғиндиси эканлигини исботлайди [6]. М.Бендиков эса тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини бевосита ва билвосита таҳдидлардан ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди [7].

Иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳ.Абулқосимовнинг фикрича, "Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтиёмий иқтисодий ва муҳандислик-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир" [8, 102-б].

Иқтисод фанлари номзоди, доцент П.Хошимов "Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳ-

дидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим" эканлигини таъкидлайди [9].

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигига корхонанинг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлари, ташкилий алоқалари, моддий ва интеллектуал ресурслари сезиларли даражада таъсир кўрсатади, бунда унинг фаолиятининг барқарорлиги, молиявий барқарорлик, тижорат муваффақияти, самарали илмий-техник ривожланиш кафолатланади.


Кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектининг иқтисодий хавфсизлиги хавфсизлик муаммолари ва таҳдидларининг олдини олишга қодир бўлган тадбиркорлик хизматининг самарали ишлашига асосланади. Агар қийинчиликлар ва таҳдидлар тўлиқ бартараф этилмаса, унда иқтисодий хавфсизлик заарни самарали равишда бартараф этиши ва салбий оқибатларни минималлаштириши керак бўлади. Иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг манбалари одамлар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти органдар, ҳалқаро ташкилотлар, рақиб тадбиркорлик субъектларнинг онгли ёки онгсиз ҳаракатлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари бундай таҳдидларнинг манбалари турли хил вазиятларнинг комбинациялари ҳам бўлиши мумкин, масалан, тадбиркорлик субъектининг ўзи, бозорлардаги молиявий шароитларнинг ҳолати, истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти, илмий кашфиётлар, технологик ишланмалар, форс-маҗор ҳолатлари ва шу кабилар шулар жумласидандир. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, фойда даражаси юқори бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизликка нисбатан кўпроқ муаммолар ва таҳдидлар мавжуд бўлади.

Тадқиқот методологияси. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мақолада муаллифлар томонидан бир қатор илмий методлар, хусусан, тизимли таҳлил ва синтез, таққослаш ва муҳокама каби методлардан фойдаланилган. Якунда эса абстракт-мантиқий фикрлаш орқали хулоса ва таклифлар баён этилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ ўзининг асосий пировард мақсади сифатида бозор механизмига асосланган жамият қуришни белгилаган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим йўлларидан бири сифатида кўрилган. Шу жиҳатдан иқтисодиётда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Республикамизнинг яқин ўтмишдаги иқтисодий тараққиётидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дав-

латимиз иқтисодий тараққиётининг устувор соҳасига айланиб улгурди. Солиширадиган бўлсақ, 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 31,0 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 53,9 фоизни ташкил этиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси доимий қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради [2] (1-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси Lex.uz маълумотларига кўра, биргина 2020 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятига асосли ва асоссиз аралашувларни кескин камайтириш ва бу орқали унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган 28 та, 2021 йилда эса 49 та Қонун ва қонуности ҳужжатлар тегишли идоралар томонидан қабул қилинди [10].



1-расм. 2000-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМидаги улуши (фоизларда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини ўз-ўзини бошқариш, молиялаштириш, ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида фойда олишни мақсад қилган бирламчи хўжалик субъектлари ҳисобланади. Дунё миқёсида янги яратилаётган иш жойларининг учдан икки қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Жаҳондаги энг ривожланган йигирмата давлатда жами яратилган иш жойларининг 68 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади [11, 37-б]. Статистик маълумотларга

юзлансан, 2020 йилда иш билан банд бўлган аҳолининг 73,8 фоизи айнан шу сектор ҳиссасига тўғри келишига гувоҳ бўламиз [1]. Шу нуқтаи назардан мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши давлатнинг энг катта муаммоларидан бири бўлган иш жойи яратиш ҳамда аҳолини муносиб иш билан таъминлаш масаласига ечим бўла олади. Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий хавфсизликка потенциал таҳдидлар қуидагича бўлиши мумкин:

Жадвал Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигига потенциал таҳдидлар


ТАШКИЛОТ ИЧКАРИСИДА		ТАШКИЛОТ ТАШҚАРИСИДА
ЖИСМОНИЙ	ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ	Жиноий тузилмалар томонидан қонунга хилоф ҳаракатлар
Тижорат сири бўлмиш ахборотнинг белгиланган тартибини бузиш	Жамоадаги носоғлом психологик мұҳит	Адолатсиз рақобат шароити
Тадбиркор мулкига қарши қонунга хилоф ҳаракатлар	Коррупция ва пораҳўрлик	Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро фирибгарлик
Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бекарорлиги	Иқтисодий рисклар	Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар
	Ходимлар ва раҳбарият ўртасидаги зиддиятлар	Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик ва ҳоказо

Манба: жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар орасида энг муҳимлари иқтисодий айғоқчилик ва разведка ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисботларига кўра, АҚШда ҳар йили хусусий фирмалар иқтисодий разведка мақсадлари учун 1,5 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлайди. Япония корпорациялари эса айғоқчилик орқали бошқа мамлакатларнинг техника ютуқлари тўғрисидаги ахборотларнинг 40 фоизига эга бўлади [12, 257]. Ушбу йўл билан рақиблар бир-бирининг бозор стратегиялари, битимлар, ишлаб чиқариш режалари тўғрисидаги маълумотларни яширинча олишга ҳаракат қиласди. Яширин тарзда сақланаштган маълумотлар, ҳужжатларни ўғирлаш, нусха кўчириш, алоқа каналларини яширинча эшитиш, тегишли ходимларни сотиб олиш, уларга таҳдид қилиш, компьютер, тармоқлар ва тизимларга кириш ва бошқа усусларни кўллаш йўли билан иқтисодий айғоқчилик фаолиятини амалга оширади [13, 13-17-б].

Дунёнинг ТОП 10 та иқтисодий ривожланган давлат ЯИМ ҳажми таҳлил этилганда [14] (2-расм), уларнинг жорий натижаларга эришиши, шунингдек, мазкур тараққиёт кўрсаткичларини сақлаб қолишилари учун амалга ошираётган иқтисодий хавфсизлик сиёсати иқтисодчилар орасида қизиқиши уйғотиши табиий.

Шунингдек, глобаллашув жараёнларининг кенг миқёсда авж олиши, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг кучайиши ва иқтисодий жиноятлар турлари кўпайишида энг кичик даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлашда тадбиркорлик тузилмаларининг роли ошиб боради. Шу сабабли айни шароитда дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлар тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва камайтириш учун янги методлардан фойдаланиш кенг тус олмоқда.



2-расм. Иқтисодий ривожланган давлатлар ЯИМ (млрд. долларда)

Манба: <http://visasam.ru/emigration/vybor/vvp-stran-mira.html#i-2> маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт, сиёсат ва жамиятдаги динамик ўзгаришларга мослашиш учун бир қатор таҳдидлардан қочиши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари очиқ тизим сифатида бекарор динамик ташқи муҳитда инновацион ёндашувлар ва ривожланишни талаб қиласди. Шунингдек, жиддий рақобатбардошликни талаб қиласди янги ўзига хос куч билан иш ташкил этиши керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик субъекти иқтисодий хавфсизлигининг ўзига хос даражаси мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун хизмат қиласди.

Яқин йилларгача мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат ва бошқарув органларининг асосли ва асоссиз текширувлари уларнинг иқтисодий хавфсизлигига соя солмай қолмади.

Ҳозирги вақтда тармоқ иқтисодиёти ва интернет-ресурсларга эга электрон тижорат тизимларининг роли кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Европа комиссияси ҳисоботида глобал тармоқ иқтисодиёти иқтисодий тизимнинг ҳар қандай нуқтасида жойлашган тадбиркорлик субъекти ёки шахснинг биргаликда ишлаши, савдо, фикр алмашиш, “ноу-хау” ва ўйин-кулги учун минимал харажатларда бошқа тадбиркорлик субъекти ёки шахсга осонгина мурожаат қилиши мумкин бўлган муҳит сифатида тавсифланади [15].


Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатлари фойдали ишни юритиш, тури эҳтиёжлар мавжуд шароитда талабни қондириш, яшаш ва ривожланиш учун рақобат кураши кучайган шароитда ҳимоя қилинади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти тадбиркор бозор конъюнктурасини билиши, унга наф келтирадиган, бозор талабларидан келиб чиқадиган қимматли ахборотлардан фойдаланиши, интеллектуал салоҳияти ва технологиясига эга бўлиши, рақобатчисининг режаси ва технологик сири тўғрисидаги ахборотга эга бўлиши ва шу каби муҳим омилларга чамбарчас боғлиқ.

Амалиётда тадбиркорлар тижорат сирларини тижорат айғоқчилигидан ва ошкора бў-

лишдан ҳимоялаш учун ўзининг илмий янгиликларини патентлаш, бунга муаллифлик ҳуқуқини олиш, тадбиркорлик субъектида тижорат сири ҳисобланган маълумотларни аниқлаш, ҳужжатлар билан ишлайдиган ходимлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиш, тадбиркорлик фаолиятида ахборот ва маълумотлар билан ишлаш тартибини қатъий белгилаш ҳамда унинг устидан назорат ўрнатиш, тижорат маълумотлари ва ахборотларини сақлаш тартибини ўрнатиш, назорат остида кўпайтириш ҳамда маҳсус ходимлар кузатувида ҳужжатларни йўқ қилиш, шунингдек, ходимларни ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни ҳимоялаш бўйича ўқитиш, машғулотлар ўтказиш, кўрсатма, тавсиялар бериш, кундаклик эслатмалар қилиш ва шу каби амалий фаолиятни амалга оширишлари зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзининг ташкилий бойликларидан самарали фойдаланиши керак.

Ташкилий бойликлар тадбиркорлик субъекти эгалари ва бошқарувчилар томонидан тадбиркорлик мақсадларига эришиш учун фойдаланиладиган тадбиркорлик омиллари ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташкилий бойликлари

Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкилий бойликларининг энг муҳим турлари кўйидагилар:

1) Капитал ресурслари. Тадбиркорлик субъектининг устав капитали ва у бошқа молиявий манбалари билан бирлашганда, тадбиркорлик субъектининг қон тизими ҳисобланади ва дастлаб тадбиркор режасида мавжуд бўлмаган бошқа корпоратив ресурсларни сотиб олиш ва сақлашга имкон беради.

2) Инсон ресурслари. Тадбиркорлик субъекти бошқарувчилари, муҳандис-техник ходимлар, ишлаб чиқариш ишчилари ва хизматчилари ўз билиmlари, тажрибалари ва маҳоратлари билан тадбиркорлик фаолиятининг барча омил-

ларини бир-бирига боғлайдиган, ишбилармонлик мафкурасини амалга оширишни таъминлайдиган, шунингдек, тадбиркорлик мақсадларига эришишни таъминлайдиган бойликлардир.

3) Ахборот технологиялари ресурси. Тадбиркорлик субъектининг барча жиҳатларига тааллуқли маълумотлар ҳозирги пайтда корхона ресурслари ичida энг қимматли ва муҳим ҳисобланади. Бу сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятдаги ўзгаришлар, бозорлар, илмий-техник ва технологик кашфиётлар, бизнеснинг ҳар қандай жиҳатларига тегишли маҳсус ноу-хау, ташкил этиш ва бошқариш усулларидаги янгиликларни тезкорлик билан эгаллаш, тадбиркорлик субъекти ташқи муҳитидаги ҳар қандай ўзгаришларга етарлича жавоб бериш,

ўзининг иқтисодий фаолиятини самарали режалаштириш ва амалга оширишга имкон беради.

4) Ускуналар ва материалларнинг захиради. Мавжуд молиявий, ахборот технологиялари ва кадрлар салоҳияти, ишлаб чиқариш корхонасида мавжуд ресурсларга асосланиб, шунингдек, ишлаб чиқариш корхонаси менежерларининг фикрига кўра, зарур ва мавжуд бўлган технологик ва бошқа ускуналар сотиб олинади. Замонавий технологиялар ва ускуналар мавжудлиги муваффақиятнинг муқаррар омилидир. Иқтисодий хавфсизлик эскирган ускуналарни янги авлод ускуналари билан мунтазам равишда алмаштиришни талаб қиласди. Шуни эсда тутиш лозимки, инновацион иқтисодиёт шароитида машиналар ва ускуналарнинг эскириши 4-6 йил муддатда юзага келади.

5) Хуқукий ресурслар. Мазкур ресурс таркибига корхона мулкига бўлган эгалик хуқуқи, ихтиро ва янги технологияларнинг патентларидан фойдаланиш хуқуқи, товар белгилари ва товар номларидан фойдаланиш хуқуқи, аниқ фаолият учун лицензиялар, табиий ресурслардан (шу жумладан, ердан) фойдаланиш учун имтиёзлар киради. Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан ушбу ресурснинг алоҳида ўрни ишлаб чиқариш корхонасининг номоддий активлари қийматининг доимий равишда ошиб бориши билан боғлиқ. Хуқукий ресурсларидан самарали фойдаланиш юқори даражадаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашга имкон беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигининг асосий мақсади унинг барқарор ва максимал даражада самарали ишлашини таъминлаш ва келажакда тадбиркорлик субъекти ривожланиши ва барқарор иқтисодий ўсиши учун юқори даражада хавфсизликни таъминлашдир. Тадбиркорлик субъектининг корпоратив ресурсларидан самарали фойдаланишга корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир таҳдидларининг олдини олиш орқали эришилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида замонавий бошқарув усулларини қўллаш учун иқтисодий хавфсизликнинг таъминланиши уни кичикроқ миқёсдаги бир қатор мақсадларга бўлишни назарда тутади. Бундай кичик мақсадларни тадбиркорлик субъекти иқтисодий хавфсизлигининг функционал мақсадлари деб қарасак ҳам бўлади. Улар:

- тадбиркорлик субъектининг юқори молиявий самарадорлиги ва унинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектининг технологик мустақиллигини таъминлаш ва унинг технологик салоҳиятининг юқори рақобатдошлигига

эришиш;

- тадбиркорлик субъекти бошқарувининг юқори самарадорлиги, унинг ташкилий тузилишининг мақбуллигига эришиш;

- унинг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъекти ходимларининг юқори малакасини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектининг юқори даражадаги экологик соғлигига эришиш, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг атроф-муҳит ҳолатига заарли таъсирини минималлаштириш;

- тадбиркорлик субъекти фаолиятининг барча жиҳатлари сифатли хуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектининг ахборотмуҳити, тижорат сирларини муҳофаза қилишни таъминлаш ва унинг барча хизматларини юқори даражада ахборот билан таъминлашга эришиш;

- тадбиркорлик субъекти ходимларининг жисмоний ҳамда шахсий хавфсизлиги, уларнинг капитали, мулкий ва тижорат манфаатларини таъминлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш юқоридаги каби кичик-кичик мақсадлар асосига қурилади. Тактик ёки айни даражадаги тадбиркорлик субъектининг иқтисодий хавфсизлик тизими фаолиятининг асосий мазмуни юзага келадиган реал таҳдидга жавобни ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Бизнинг томонимиздан таклиф этилаётган айни даражадаги асосий қадамлар:

- иқтисодий хавфсизликка реал таҳдиднинг салбий таъсирини баҳолаш;

- ножӯя таъсирларнинг сценарийларини ишлаб чиқиш;

- салбий таъсир сценарийларининг турли хил варианatlари учун зарарни баҳолаш;

- салбий таъсирнинг турли сценарийларига мувофиқ корхона имкониятлари ва ресурсларини таҳдил қилиш;

- салбий таъсир сценарийларининг турли хил версияларига корхона жавобини ишлаб чиқиш;

- салбий таъсирларга энг самарали ва мақбул жавобни танлаш.

Тактик даражадаги тадбиркорлик субъектининг иқтисодий хавфсизлик тизими ишлаш вақти тадбиркорлик субъектининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Агар тадбиркорлик субъекти кичик бўлса, вақт қисқа, агар тадбиркорлик субъекти катта бўлса, вақт узоқроқ давом этади. Бироқ корхонанинг иқтисодий хавфсизлик тизими фаолиятининг тактик даражаси бир йилдан ошмаслиги керак.

Иқтисодий хавфсизлик тизими фаолияти-нинг узокроқ даври истиқболли даражада ҳисобланади, у бир йилдан уч йилгача давом этиши мумкин. Йирик тадбиркорлик субъектида бу муддат узайтирилиши мумкин. Мазкур босқичдаги ишларнинг асосий мазмуни маҳсулот, хомашё ва материаллар учун истиқболли бозорларни стратегик башорат қилиш, давлатнинг иқтисодиётга таъсири, технология ва технологияларни ривожлантириш истиқболлари, потенциал рақобатчилар пайдо бўлиш эҳтимоли, меҳнат бозори ва ижтимоий муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати, ташқи шерикликни ривожлантириш истиқболлари, инновациялар ва шу кабилар шулар жумласидандир [16, 236-б].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлардаги ҳолати, ташкилий алоқалари, моддий ва интеллектуал ресурслари таъсир қиласди. Бунда унинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги, тижорат муваффақиятлари, самарали илмий ва техник ривожланиш кафолатланган бўлади. Тадбиркорлик субъектининг иқтисодий хавфсизлиги ушбу субъектга бўлажак хавфсизлик муаммолари ва таҳдидларининг олдини олиш қанчалик самарали бўлишига асосланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа сифатида қаралиши керак, бунда асосий мақсад иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишнинг аниқ стратегияси амалга оширилиши ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги асосий таркибий элементлари сифатида икки йўналишга эга. Биринчи йўналиш ташқи муҳитнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни таҳдил қилиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи йўналиш ташкилотнинг ички муҳити ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий

хавфсизликка таҳдидлар билан боғлиқ бўлган ички йўналишdir.

Бизнинг фикримизча, ташкилотнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ишнинг қуйидаги тўрт босқичини ҳисобга олиш керак:

Биринчидан, хужжатлар билан ишлаш. Бунда хужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш ва тасодифий ёки қасддан қилинган хатолар мавжудлиги аниқланади.

Иккинчидан, мулкни бошқариш. Ушбу босқич тадбиркорлик субъекти ихтиёридаги мулкни тасарруф этиш, яъни инвентаризацияни доимий текширишга қаратилган бўлади.

Учинчидан, барча манфаатдор фойдаланувчиларга керакли маълумотларни тақдим этиш учун молиявий ҳисобот билан ишлаш зарур.

Тўртинчидан, мониторинг жараёни, яъни корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги молиявий таркибий қисмининг ҳолатини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Ушбу ҳаракатларнинг мазмунини батафсил таҳдил қилиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жараёни жуда мураккаб ва айни ҳолатда жуда муҳим жараён эканлиги тўғрисида хуросага келиш мумкин. Шу сабабли тадбиркорлик субъекти фаолияти ва унинг молиявий барқарорлиги тижорат муваффақиятлари, самарали илмий ва технологик ривожланиши, ҳуқуқий ва иқтисодий, ташкилий алоқалари, моддий ва интеллектуал ресурслари ҳолатига боғлиқлиги табиий. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги, шунингдек, тўғридан-тўғри бизнес мақсадига эришиш учун фойдаланиладиган корпоратив ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқлигини ҳам унутмаслик лозим. Самарали иш ташкил этиш ва барқарор суръатларда иқтисодий ўсишга эришиш иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишсиз, аниқ йўналишларда ва мавжуд ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга қарши курашиб қилиятизиз мумкин эмас.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли фармони, 27.07.2018-у.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти – www.stat.uz
- Arefieva O.V., Kuzenko T.B. Planuvannia ekonomichnoi bezreky pidpriyemstv (Planning of enterprise economic security). Vyd-vo Yevrop. un-tu, Kyiv (2005), p. 24-27.
- Smelik R. “Economic security of the organization: financial component management” article, Financial Law Review, No. 18 (2)/2020, [Available at: <http://www.ejournals.eu/FLR>] p. 33.
- Yurovych, L. Economic security of an enterprise: the essence, factors of influence, main problems [Ekonomichna bezpeka pidpriyemstva: sutnist', chynnyky vplyvu, osnovni problemy], available at: <http://ena.lp.edu.ua:8080/bitstream/ntb/4894/1/95.pdf>
- Kapustyn N. Economic Security of the Industry and Firms [Экономическая безопасность промышленности и фирм], Biznesinform, 1999, No. 11-12, pp. 17-22.

7. Bendykov M. *Economic security of an industrial enterprise (organizational and methodological aspect)*, Consultant to director, Konsul'tant dyrektora], 2000, No. 2, pp. 24-26.
8. Abulqosimov H.P. *Davlatning iqtisodiy xavfsizligi. O'quv qo'llanma. O'zRPDJQ akademiyasi.* – T.: Akademiya, 2012. 102-103-b.
9. Хошимов П.З. *Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва тизими.* // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. 2015, 11.
10. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz
11. Tolametova Z.A. *Globallashuv sharoitida tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari. Maqola.* // Iqtisod va moliya. 2017, 11, 37-b. [Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/globallashuv-sharoitida-tadbirkorlik-havfsizligini-taminlash-va-tadbirkorlik-faoliyatini-rivozhlanirishning-ustuvor-y-nalishlari/viewer>].
12. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Ied-vo RAGS, 2001. – 257 с.
13. Захаров В. Промышленный шпионаж в российском интерьере. // Служба кадров. 1998. № 2. С. 13-17.
14. Дунё мамлакатларининг 2019 йилдаги ЯИМ қўрсаткичлари.
<http://visasam.ru/emigration/vybor/vvp-stran-mira.html#i-2>
15. Status Report on European Telework. "Telework 1997". Annual Report from the European Commission. [Available at: <https://web.archive.org/web/20121120044825/http://www.eto.org.uk/twork/tw97eto/>] (1997).
16. Shvaiba D., Structural Stability and Socio-Economic Security of the Hierarchical System [18.06.2018]. [Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3197995> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3197995>]
17. Ерматов И.Т. Актуальные проблемы повышения инновационного потенциала Узбекистана. // Актуальные проблемы гуманитарных и социально-экономических наук, 2017, 5 (11), 70. URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28938038>
18. Ерматов И.Т. Некоторые проблемы модернизации промышленных предприятий. / И.Т.Ерматов. // Научно-технический прогресс: социальные, технические и общественные факторы: Сборник статей. – М.: ООО «ИМПУЛЬС», 2018. С. 133-137. EDNXTALBJ. URL:<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35245208>
19. Ерматов И.Т. *O'zbekistonda iste'mol bozorini to'ldirishda kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirshning o'rni.* // Eurasian journal of law, finance and applied sciencesInnovative Academy Research Support Center UIF = 8.3 | SJIF = 5.961 www.in-academy.uz Volume 2 Issue 11, October 2022. ISSN 2181-2853 Page https://doi.org/10.5281/zenodo.7161744
20. Ermatov A., Akbarov A. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2021. – №. 6. – С. 239-249.
21. Ibragimov N., Akbarov A. A. The role of cryptography in information security //Научные разработки: евразийский регион. – 2017. – С. 107.